Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАСПОРТ РЕЖИМИНИ КУЧАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими тўғрисидаги низом»ни амалга киритиш ҳақида» 1994 йил 23 декабрдаги Фармони ва шу асосда чиқарилган ҳукумат қарорларининг ижросини текшириш бу борада жойларда ҳокимликлар ва бевосита масъул бўлган мутасаддди идоралар фаолиятида жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликларининг масъулиятсизлиги оқибатида, бир қатор шаҳар ва туманларда паспортларни бериш ва алмаштириш ишларини амалга оширувчи комиссиялар деярли фаолият кўрсатмаган.

Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида аҳолига паспорт топшириш кўрсаткичларини кўпайтириб кўрсатиш, Тошкент шаҳри, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида ички ишлар идораларининг ходимлари томонидан қонунсиз равишда паспорт бериш ҳолатлари ўрин олган.

Жойларда паспорт режимини таъминлаш ҳамда хорижий фуқароларнинг Ўзбекистонга келиши, яшаши ва чиқиб кетиши ҳақидаги қонунларга риоя этилиши етарли даражада ташкил этилмаган.

Солиқ ва молия идоралари паспортлар ва маъмурий жарималардан давлат бюджетига тушадиган маблағлар юзасидан назорат олиб бормаган.

Республикада паспорт ислоҳотини амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш, масъулиятсизликка йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан кескин чоралар кўриш, паспортларни бериш ва алмаштириш ишларини амалга оширувчи комиссияларнинг фаолиятини жадаллаштириш мақсадида паспорт тизимларининг моддий-техник таъминот даражасини яхшилаш чораларини кўриш топширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) икки ҳафта муддатда республика ҳудудида паспорт режимини такомиллаштириш бўйича қўшимча тадбирлар ишлаб чиқсин, мансабини суиистеъмол қилган ходимларнинг жавобгарлигини ҳал этиб, паспорт тизими ходимлари орасида интизом ва қонунчиликка риоя қилишни мустаҳкамлаш юзасидан чоралар белгиласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига (Б. Мустафоев) паспорт ислоҳотини амалга ошириш устидан назоратни янада кучайтириш, бу соҳада қонунбузарликка йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликка тортилган қатъий чоралар кўриш топширилсин.

4. Республика Давлат солиқ қўмитаси (В. Беганов) ва Молия вазирлиги (Ж. Сайфиддинов) паспортлардан тушадиган тўловлар ҳамда маъмурий жарималарнинг тўла миқдорда ва ўз вақтида давлат бюджетига тушиши юзасидан назорат ўрнатсинлар.

5. Мазкур қарорнинг ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 27 май.

ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасида Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш ва топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик, идора, ташкилот, ижодий уюшмалар, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Бош вазир ўринбосари, мазкур комиссия раиси А. Азизхўжаев бошқарди.

Мажлисда республика комиссиялари қўшма мажлисининг аввалги қарорларининг бажарилиши, Давлат тили ҳақидаги Қонун ва уни амалга ошириш Давлат дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорининг Навоий вилоятида амалга оширилиши, мазкур ҳужжатларнинг Меҳнат вазирлигида бажарилиши, топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика комиссиясига келган тавсиялар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Ушбу масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш республика комиссиясининг котиби Ш. Ризаев, Олий Мажлис матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов, Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари А. Ҳайдаров, меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари А. Акбаров, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси раисининг ўринбосари Ҳ. Бектемировнинг ахборотлари тингланди.

Мажлисда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва унинг қошидаги топонимик комиссия аввалги йиғилишда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш борасида муайян ишларни амалга оширгани таъкидланди. Шаҳарнинг деярли барча туманларида топонимик комиссиялар таркиби ўзгарди. Шу йилнинг биринчи чорагида икки мингга яқин кўча номи лавҳалари лотин ёзувида тайёрланди. Кўча номларини ўзгартириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб тамаки маҳсулотларини кўчаларда реклама қилиш таъқиқланди.

Навоий вилоятида ҳам Давлат тили ҳақидаги Қонун ва Вазирлар Маҳкамаси қарорини бажаришга жиддий эътибор берилаётир. Жумладан, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари қошида Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш бўйича ишчи комиссиялар ва топонимик комиссиялар фаол ишлаб турибди. Навоий шаҳри ҳокимлигида эса «Ўзбек тили» илмий-маърифий маркази фаолият кўрсатаётир.

Айни вақтда Меҳнат вазирлиги марказий идораси ва унинг Тошкент шаҳридаги муассасалари, ташкилотларида қонун ва дастурни бажаришда талайгина камчиликлар мавжуд. Бу ерда ташкил этилган Тил комиссияси фаолияти талаб даражасида деб бўлмайди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан аниқланган камчиликларни тезда бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Бу борада мутасадди раҳбарларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди. Шунингдек, жойлардаги айрим номларни ўзгартириш юзасидан тушган таклифлар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Комиссия мажлисида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов қатнашди.

(ЎзА)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 28 май, пайшанба • № 63 (22.300).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



27 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Австрия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ҳайдемария Гюрер ишонч ёрлиғини топширди.

Президентимиз шарафли лавозимга тайинланиши муносабати билан Австрия элчисини қутлаб, ҳар икки давлатда ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга йўналган умумий интилиш борлигини таъкидлади.

— Минтақавий ва халқаро сиёсат масалалари, айниқса, наркобизнес ва террорчилик муаммолари хусусида фикрларимиз уйғундир, — деди Ислом Каримов.

Австрия элчиси айнан Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганидан мамнуният билдирар экан, ўз миссиясини шараф билан адо этажагини айтди.

Давлатимиз раҳбари масъулиятли вазифасини бажаришда элчига муваффақият тилади.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримовга Греция Республикасининг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Димитриос Кипреос ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

Давлатимиз раҳбари Д. Кипреоснинг бу вазифага тайинлангани Ўзбекистон — Греция муносабатларидаги қатор долзарб масалаларни ҳал қилиш, ўзаро алоқаларнинг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— 1997 йил баҳорида Грециягa буюрган ташрифимиз, сафар чоғида мамлакатингиз Президенти ва Бош вазири билан бўлиб ўтган мулоқотлар менда илиқ таассурот қолдирган, — деди Ислом Каримов.

Давлатлараро муносабатларнинг ривожланишида халқ дипломатияси ҳам алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистонда эса кўплаб грек миллатига мансуб одамлар яшайди. Президент шу ҳақда тўхталар экан, икки давлатнинг ҳамкорлик алоқалари яхши ривож топаётганидан мамнуният изҳор этди.

Греция элчиси ўз мамлакатида юртимизга қизиқиш тобора ортиб бораётганини айтиб, ҳақиқатан ҳам, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар амалий ҳамкорлик равнақи учун муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

* * *

Давлатимиз раҳбари Уругвай Шарқий Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Педро Дондо Куадреллидан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилди.

Ислом Каримов Уругвай ҳукуматининг мамлакатимизга ўз элчисини тайинлаши ушбу давлатнинг Ўзбекистонда ва умуман Марказий Осиё минтақасида бўлаётган ўзгаришларга қизиқиши ортиб бораётганидан далолат эканини қайд этди.

Уругвай элчиси Ўзбекистонга келганига кўп бўлмаган эса-да, бу ерда ажойиб инсонлар билан танишгани, соғлом иқтисодий ва сиёсий муҳит қарор топганининг гувоҳи бўлганини айтди. Икки давлат орасидаги масофа хийла катта эканига қарамай, ўзаро ҳамкорлик алоқалари тез орада ривожланиб кетишига умид билдирди.

Президент шарафли ва масъулиятли вазифасини адо этишда Уругвай элчисига муваффақият тилади.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимларида ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎзА)

СУРАТЛАРДА: ***ишонч ёрлиқларини топшириш пайти.***

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги: воқеалар, хабарлар, ўзгаришлар

ОЛИМНИНГ ДОВРУҒИ

Андижон тиббиёт институтига Нью-Йоркдан хушхабар келди. Психатрия, наркология ва тиббий психология кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Марк Аграновский Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. Унинг кўп йиллик илмий тадқиқотлари шу тариқа эътироф этилди. Бу тадқиқотлар натижасида алкоголизм, гиёҳвандлик, кашандалик ва семиришни даволашнинг янги самарали усуллари ишлаб чиқилган.

ИҚТИДОРЛИЛАР КЎРГАЗМАСИ

Мамлакатимизда иқтидорли ёшлар ижодини ривожлантириш ва уларнинг асарларини тарғиб этишга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залида очилган «Буюк ипак йўли дўстлик ришталари — Ўзбекистон ва Япония болаларининг ранго-ранг олами» мавзуидаги кўргазмаси ҳам шундан далолатдир. У Бадиий академия ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилди.

Республикамизнинг ижодкор ёшлари ўзлари чизган турфа расмлар билан Японияннинг Ногое шаҳрида ўтказилган кўргазмада иштирок этган эди. Энди эса шу шаҳардаги «Дунё болалари» хайрия жамғармаси ташаббуси билан бир гуруҳ японияник ёш рассомларнинг асарлари пойтахтимизга олиб келинди. Кўргазмага уларнинг асарлари билан бир қаторда Бадиий академия оталиққа олган меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, республика болалар ижодиёти маркази ёш рассомлари, академия тасарруфидаги бадиий ва амалий санъат лицейи ўқувчилари чизган расмлар ҳам қўйилди.

ПИЛЛАКОРЛАР ЗАФАРИ

Қашқадарё вилоятининг бир йўла уч тумани — Қарши, Касби, Нишон туманлари пиллакорлари зафар қучди. Қаршиликлар қабул пунктларига 185 тонна, касбиликлар 140 тонна, нишонликлар 40 тонна қимматли саноат хомашёси етказиб берди. Пилла топшириш давом этмоқда.

***

Олот тумани пиллакорлари ҳам Бухоро вилоятида биринчи бўлиб пилла тайёрлаш шартномасини бажарди. Қабул пунктларига 136 тонна «кумуш тола» етказиб берилди. Ромитан тумани «кумуш тола» ижодкорлари 156 тонна сифатли саноат хомашёси топшириб, маррани эгаллашди.

Бу дунёнинг ишлари

БОШ ВАЗИРНИНГ САФАРИ

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Европа Иттифоқи мамлакатлари бўйлаб сафарга чиқишга ҳозирлик кўрмоқда. Ушбу сафар иттифоқнинг келаси ойда Буюк Британиянинг Кардифф шаҳрида бўлиб ўтадиган саммитига тайёргарлик доирасида амалга оширилади.

Дастурга биноан, Т.Блэр дастлаб Испания ва Ирландияда бўлиб, икки мамлакатнинг ҳукумат раҳбарлари Хосе Мариа Азнар ва Берти Ахерн билан учрашади. Шунингдек, Бош вазир Дублинга сафари чоғида Ирландия парламентида нутқ сўзлайди. Айтиш керакки, Буюк Британия Бош вазирларидан бирортаси ҳам ҳали Ирландия парламенти вакилларининг диққат-эътиборига сазовор бўлмаган. Лондон матбуотининг қайд этишича, Тони Блэр Олстер муаммосини ҳал қилишга қўшган улкан ҳиссаси учун шундай имкониятга эга бўлган.

ЯНА ҚЎПОРУВЧИЛИК ҲАРАКАТИ

Жазоирда яна қўпорувчилик ҳаракатлари авж олмоқда. Куни кеча Айн-Дафла вилоятидаги Хемис-Милиана шаҳрида юз берган портлаш етти кишини ҳаётдан олиб кетди, кўплаб одамларни жароҳатлади. Хемис-Милианадаги фожиа бундан тўрт кун бурун айрим кузатувчилар билдирган ташвишли тахминларни тасдиқлади. Тўрт кун аввал Жазоир пойтахти яқинида қўпорувчилик ҳаракати содир этилганда «Бу воқеа террорчиликнинг янги оқимини бошлаб бермаса эди», қабилидаги фикрлар билдирилганди. Жазоирдан олинган маълумотларга қараганда, май ойи бошидан буён амалга оширилган қўпорувчилик ҳаракатлари натижасида 120 киши ҳаётдан кўз юмган. Шу давр мобайнида махсус хизмат вакиллари 255 нафар қўпорувчини йўқ қилган.

ЎЗАРО КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Шу кунларда Исроил Бош вазири Беньяминь Нетаняху расмий ташриф билан Хитойда меҳмон бўлиб турибди. Хитой раҳбарияти билан ўтган музокараларда икки томонлама муносабатларга таллуқли долзарб масалалардан ташқари Яқин Шарқ можароси ҳам тилга олинди. Хусусан, Хитой раҳбарияти можарони тинч йўл билан ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари боши берк кўчага кириб қолганидан жиддий ташвиш билдириб, Исроил ҳукуматини узоқни кўзлаб иш юритишга даъват қилди. Пекиндан олинган сўнгги хабарларга кўра, Б. Нетаняху ХХР раҳбариятидан «Эронга ядро ва ракета технологиялари сотмай туриш» тўғрисида ваъда олган ва ўз навбатида Исроил ҳукумати «ягона Хитой» тамойилини қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқлаган.

АСР ВАБОСИ ЯПОНИЯГА ҲАМ ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДА

Япония Соғлиқни сақлаш вазирлиги эълон қилган маълумотларга кўра, мамлакатда СПИД касали туфайли вафот этганлар сони минг кишидан ошган. Вазирлик 1985 йилдан буён СПИД билан оғриганлар ёки вирус ташувчиларни мунтазам равишда тадқиқ этиб келади. Шу йил апрель ойигача бўлган давр мобайнида мамлакатда улар сони 5247 нафарни ташкил қилди. Албатта, бу расмий маълумот. Аслида қатор ривожланган давлатларда бўлгани каби Японияда ҳам СПИДга йўлиққан ёки унинг вирусини ташувчилар қайд этилганидан кўпроқ.

ЎҚУВЧИЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТИ

Нефтни сувдан тозалаш, сув ва ҳаво булғаланиши даражасини аниқлашда оптик электроника унсурларидан фойдаланиш усуллари—ана шу ва бошқа жуда кўп муҳим муаммолар Намангандаги ўзбек-турк лицейи ўқувчиларининг тадқиқот ишларига мавзу бўлди. Бу ишларнинг натижалари лицейда ташкил этилган дастлабки илмий кўргазмага қўйилди.

Мутахассисларнинг фикрича, лицей ўқувчиларининг айрим ишлари талаблар даражасида бажарилган. Шунинг учун мактаб ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларигина эмас, вилоятдаги олий ўқув юртларининг талабалари ҳам кўргазмани қизиқиб томоша қилдилар.

Кўргазмани ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларни бундан буён ҳам ижодий изланишга, жиддий илмий машғулотларга тортишдан иборат. Шу боисдан бундай кўргазмаларни ўтказишни анъанага айлантиришга қарор қилинди.

Хатлар, хатлар, хатлар

ЭСКИ ҲАММОМ, ЭСКИ ТОС...

Мана, икки йилдирки, бошланғич синф ўқувчилари лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида сабоқ олишмоқда. Кўча ва майдонларда, телекўрсатувларда лотин ёзувида битилган лавҳаларнинг салмоғи тобора ортяпти. Бироқ, назаримда сўнгги пайтларда саводли ва хатосиз ёзиш масаласи ўта долзарблигича қолмоқда. Кирилл алифбосидаги энг кўп учрайдиган камчиликлар шундоқлигича лотин ёзувига ҳам «кўчиб ўтмоқда».

Аввало, паспортлардаги исм-шарифларнинг ёзилишидаги хатоларга тўхталмоқчиман. Бир пайтлар кишиларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми аксарият ҳолларда ўзбек тилини билмайдиганлар тарафидан русча талаффузда ёзиб берилганлигини кўпчилик билади. Рус тилида талаффуз қилиш қийин бўлган исмлар шу даражада ўзгариб кетганки, баъзан ўзимиз ҳам аслини топишда мушкул аҳволга тушиб қоламиз. Энди, масаланинг бошқа томонига келсак, янги паспорт олиш пайтида исм-фамилияларни лотин ёзувида ёзаётган масъул ходимлар эски паспортда қандай ёзилган бўлса, айнан кўчириб қўйишяпти.

Мисолларга бир назар ташланг: Oqyo'lov Jamol — Akyulov Djamal, Xo'jamberdiyev Qobil — Xo'djamberdiev Kabul, Do'stmurodov Bahodir — Dusmuratov Boxodir шаклида бузиб ёзилмоқда. Буларни кўриб, беихтиёр «эски ҳаммом — эски тос» деган нақл ёдга тушади. Эътибор берган бўлсангиз, ҳар бир исм-фамилияда 2-3 тадан хато мавжуд.

Жойлардаги ички ишлар бошқармаларининг паспорт бўлимлари томонидан юқоридаги камчиликларга йўл қўйилмаслик учун ким жавоб беради? Давлат ва миллатнинг юзи ҳисобланган паспортларга ёзаётган шахслар бирор жойда махсус ўқитиладими, ўзи? Давлат тилини жорий қилиш бўйича масъул идоралар бу масала юзасидан нечоғлик тезлик билан ўз муносабатини билдирсалар, тилимиз учун фойдали бўлур эди.

Энди масаланинг иккинчи томонига ўтмоқчиман. Лотин ёзувини қўллаётган мамлакатлар аҳолисининг исми-шарифи бошқа тилларда берилганда худди аслига ўхшатиб ёзилади. Жумладан, Туркияда ҳам шундай. Бизда эса, яна эски замондан қолган усул қўлланилмоқда, яъни ўзбекча фамилия ва исмлар инглизча ёзилганда инглизча талаффузда берилмоқда. Масалан, Haqberdiev Bahodir паспортнинг инглиз тилидаги саҳифасида Hakhberdiev Bakhodir тарзида берилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Агар дунёда қабул қилинган қоидаларга амал қилинганда эди, ҳам ўзбек, ҳам инглиз тилларида бир хил, яъни Haqberdiev Bahodir тарзида ўзбекча шакли ёзилиши керак эди.

Масаланинг учинчи томони шундаки, юқоридаги қоидадан келиб чиқиб, лотин ёзуви қўлланиладиган мамлакатлар фуқароларининг исми-шарифлари ўзбек тилида ёзилганда аслига мос равишда берилиши лозим бўлади. Масалан, Шекспир инглизчада Sheakspeare шаклида ёзилади, ўзбек тилида биз уни Shekspir деб ёзсак, менимча тўғри бўлмайди.

Ва ниҳоят, «Н» (ҳ) ва «Х» (х) ҳарфлари хусусида баъзи мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Ўзингизга маълумки, мазкур ҳарфларни кирилл алифбосида қўллаш пайтида аксарият кишилар хато қилиб қўядилар. Эски алифбода мазкур ҳарфларнинг шакли жуда ўхшаш бўлганлиги сабабли кўпинча бундай хатоларга эътибор қилмаймиз. Аммо, лотин алифбосида уларнинг шакли бутунлай бошқача бўлганлиги учун қилинган хато дарров кўзга ташланиб қоляпти. Масалан, hosil — xosil, xizmat — hizmat, texgika — tehnika тарзида нотўғри берилиши ҳоллари кўплаб учрайди. Шу ўринда савол туғилади: лотин алифбосида иккита «х» ҳарфи бўлиши шартми? Унинг ўрнига битта Н (h) ҳарфи қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлмайдими? Сиз нима деб ўйлайсиз?

Мақолада келтирилган муаммоларга тилимиз учун масъул бўлган ходимлар ва муштарийлар ўз муносабатини билдириб, унинг равнақига бефарқ эмасликларини намоён қиладилар, деб умид қиламиз.

Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ

ҲИНДИСТОНЛИК САЙЁҲ ЖИЗЗАХДА

Бундан ўн бир йил аввал, яъни 1987 йилнинг 30 октябрида ҳиндистонлик муҳандис Винас Синх ер юзи мамлакатларини пиёда кезиб чиқишга аҳд қилиб ўз юртидан сафарга отланган эди. Ўттиз уч ёшли сайёҳ шу кунгача Европа ва Осиёдаги 58 та мамлакатни пиёда кезиб чиқди. Яқинда жаҳонгашта Винас Синх Жиззах вилояти ҳудудидан, хусусан, вилоят маркази Жиззах шаҳридан ўтди. Шаҳар аҳолиси уни самимий кутиб олиб, янги манзилгача кузатиб қўйди.

Винас Синх Ўзбекистондан сўнг Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, Покистон, Арабистон давлатлари орқали Африкага, ундан сўнг АҚШга бориб ўзининг ғаройиб сафарини 2012 йилда ниҳоясига етказмоқчи.

МАЪНАВИЯТ КАМОЛИ — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

ҚУТҚУЛАРГА УЧМАЙМИЗ

Маърифати юксак элнинг, эътиқоди мустаҳкам элнинг, ор-номуси мукаммал элнинг, ўтмишини, аждодлари руҳини шод этувчи элнинг, келажаги учун ёниб яшовчи элнинг эртаси порлоқдир!

Маънавиятсиз эл, маърифатсиз эл, эътиқоди суст эл, ор-номуси ҳаминқадар, ўз ўтмишига лой чапловчи, фарзандлари, миллати, Ватани учун жонфидо қилишга қодир бўлмаган элнинг эртаси ҳалокатга маҳкумдир!

Биз бу борада минг бор шукроналар айтсак арзигулик. Ўз ўтмишини унутмовчи, эртаси учун қайғурувчи халқимиз бор. Ана шу халқимизнинг етти ёшидан етмиш ёшигача илмга чанқоқлиги-да, бор гап. Томирлари олис-олис асрларга етган маданиятимиз бор. Илло, Шарқ дунё маданияти, илм-фан бешиги сифатида бежиз тан олинмаган. Биз эътиқод учун ўлимга тик борган, миллат учун киприк қоқмасдан ўз бошини кундага қўйган, ор-номус учун ўлимни-да, назар-писанд этмаган жасур, фидойи, қўрқмас ва энг асосийси, маърифатли халқнинг фарзандлари эканлигимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Тўғри, миллатимизни пораканда қилиш учун, эътиқод собитлигидан ажратиш учун, бир сўз билан айтганда манкуртга айлантириш, ўтмишидан ажратиш учун озмунча душманлар ҳаракат қилишдими?! Бугун миллат тарихига озгина қизиққан, миллат тарихини озгина ўрганган киши юртимиз неча бор ёв асоратида қолгани, неча бор она-заминимиз ёв отлари туёқлари остида топталиб, хўрлик азобларидан ингранганидан хабардор. Мана яқин ўтмишимизда бўлиб ўтган, ҳали кишанларининг жаранги қулоғимиздан кетиб улгурмаган қизил империянинг қўрқинч салтанатини олиб кўрайлик. Юз йил оша халқимиз қизил кишанлар зулмидан озмунча азият чекдими? Ахир, миллатимизнинг гуллари, сара фарзандлари, илм-фан, адабиёт, санъат, сиёсату иқтисодд аллома даражасига эришган мукаммал инсонлардан минглабларининг бошлари қизил кундада, қизил қиличлар билан кесилгани бор гап-ку!..

Лекин биз минг карра шукроналар айтсак арзийди. Миллат сифатида қиёфамизни, инсон сифатида ор-номусимизни, фарзанд сифатида тарихимизни унутмадик. Ёвларимиз ҳар қанча кучли бўлмасин, ҳар қанча тиришиб-тирмашмасин, бизни бука олмади. Яна минг карра шукроналар айтсак арзийдики, миллатнинг жасур, ўз эътиқодида собит Йўлбошчиси бизни бир қатра қон тўкмасдан ҳурриятга олиб чиқди. Қизил империянинг қизил кишанларини парчалаб ташлади. Жаҳон дунёда, ўзбек деган миллат борлигини билди, тан олди! Ўзбекнинг кўксига шамол, елкасига офтоб тегди. Юртнинг осмони истиқлол шуълаларидан ял-ял товланди. Кўролмовчи ғаламислар куйиб кетди, дўстларимизнинг бошлари осмонга етди.

Бугун биз миллий истиқлолимизнинг етти йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Етти йил! Балки, кекса тарих олдида арзимас лаҳзадир. Лекин ана шу етти йилда Ўзбекистон ўзининг зарҳал ҳарфлар билан ёзишга арзигулик бутун бошли, шонли тарихини яратди. Ана шу етти йил ичида мамлакатимизда рўй берган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий юксалишлар, покланишлар дунё жамоатчилигини лол қолдирди. Лекин бизни ана шу юксак парвозимизни кўролмовчилар борлигини, улар юртимиздаги барқарорлик, тинчликни ички низоларга айлантиришга ҳаракат қилаётганларини-да, унутмаслигимиз керак. Диёримизда миллий низолар чиқаришга уринганлар ҳеч нарсага эриша олмадилар. Энди улар ўз қиёфаларини ўзгартириб, диний ниқоб остида ҳар хил оқимларга айланмоқдалар. Аслида бу ақидапарастлар ҳеч қандай диндорлар эмас. Улар миллат учун ҳам, дин учун ҳам бир хил хавф солувчи ғаламислардир. Уларнинг

мақсадлари ҳам аён: диний ниқоб остида диёримиздаги барқарорликка раҳна солиш. Яхшиямки, халқимиз маърифатли. У ҳар хил ғаламисларнинг қутқуларига учмайди. Яратиш ишқида ёнаётган, эртасига комил ишонч билан қараётган, Йўлбошчисини сидқидилдан қўллаб-қувватлаётган халқ ҳеч қачон бировга эргашмайди.

Биз яқинда бир гуруҳ ижодкорлар билан ҳамкорликда қатор вилоятларда бўлдик. Маънавият, маърифат, адабиёт ва санъат байрамларида халқ билан юзма-юз мулоқотлар қилганимизда юқоридаги фикрлар ҳақлигига яна бир карра ишонч билдирдик.

НИЛИЙ ГУМБАЗЛАРИ ҚЎК ИЧРА ҚЎК ШАҲАР

Самарқанд шаҳридаги 251 та маҳалланинг ўз тарихи, ўз нуфузи бор. Маҳаллада яшаётган кўп миллатли кишилар мустақилликни мустаҳкамлашга, тинч ва фаровон яшашга интилиб, фидойилик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Қарийб бир ярим минг йиллик тарихга эга бўлган шаҳарнинг «Сиёб» туманидаги Нақшин маҳалласи 22 май эрта тонгдан байрам тусини олди. Маҳалла аҳли билан дилдан суҳбатлашиш, маънавият - маърифат байрами ўтказиш, шеъру куй-қўшиққа ташна дилларга ором бағишлаш учун пойтахтдан бир гуруҳ ижодкорлар -- «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг Бош муҳаррири, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Азим Суюн раҳбарлигида, республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбарининг ўринбосари, ҳассос шоира Турсуной Содиқова, «Савдогар» газетаси бош муҳаррири ўринбосари, таниқли шоир Усмон Азим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Лутфулла Саъдуллаев, Гулчеҳра Саъдуллаева, Эркин Комилов, Ёдгор Саъдиев, Ўзбекистон ва Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист, миллий эстрадамизнинг талантли ижрочиларидан бири, хушовоз санъаткор Азим Муллахоновлар ташриф буюрдилар.

Шоирлар шеър ўқиди, куй-қўшиқ авжига чиқди. Санъаткорлар кишиларни ҳақиқий ислом динини қадрлашга, эъзозлашга, динни тўғри талқин этиш ва мустақилликнинг қадрига етишга даъват этувчи театрлашган саҳнавий кўринишлар, юмор ва ҳажвиялар ижро этишди.

769 нафар аҳоли, 169 та оила яшайдиган маҳалла шаҳарда энг намунали гўшалардан бири ҳисобланади. Энг муҳими ижод аҳли Олий Мажлис ўн биринчи сессиясида қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун аҳамияти ҳақида фикр юритди.

-- «Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш, балки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди...» деган моддада инсон ҳуқуқлари олий даражада ҳимояланган давлатнинг асл мақсади ифодаланган, -- дейди маҳалла оқсақолларидан бири, 70 ёшли Мели Қулиев. -- Ўзбекистонда ҳеч кимга, қайси динга эътқод қилишидан қатъи назар, айрича муносабатга йўл қўйилмаётганидан далолат бу. Инсонпарварлик ғоялари юксакка кўтарилган мамлакатдагина беҳудага бировларнинг кўз ёши тўқилмайди. Айниқса, бу ҳолнинг қонунда акс этиши таҳсинга сазовордир...

Меҳмонлар шундан сўнг, Ургут шаҳрига йўл олишди. Уларни туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Ўлмас Маҳматмуродов, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари кутиб олишди.

Шаҳарга кираверишдаги ташхис қўйиш ва даволаш маркази пойтахтдан келган ижодкору санъаткорларда катта таассурот қолдирди.

-- Бу шарқона қурилган, замонавий асбоб-ускуналарга эга масканда ўлган одам ҳам тирилиб кетади, -- дея ҳазил қилди ҳамсафаримиз Ёдгор Саъдиев.

-- Шаҳримизда 20 та маҳалла бор. Уларда 350 минг нафар киши истиқомат қилади. «Чорраҳа» маҳалламизга хуш келибсизлар. Виқорли тоғлар қўйнига яширинган чойхонамизда ҳамиша каклигу бедана сайраб, киши қалбига завқ-шавқ бағишлайдиган сўлим гўшада шеър ўқилганидан, қўшиқ айтилганидан, ҳукуматимиз қарор ва қонунлари тарғибот-ташвиқот қилинаётганлигидан беҳад хурсандман, -- дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раисининг ўринбосари Насриддин Нажмиддинов. -- Маҳаллада 520 та оила бор. Хонадонларда 3 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ўз меҳнатимиз туфайли тинч ва фаровон яшаяпмиз. Бизда ўғрилик, безорилик, ақидапарастлик каби иллатларга йўл йўқ. Чунки, болаларимизнинг бўш қолишларига, уларни бегона кимсалар бизга ёт бўлган йўлларга бошлашига томошабин бўлиб туролмаймиз. Агар қаердадир шундай бўлаётган экан, демак ўша ердаги раҳбарлар,маҳалла оқсоқоллари ишлашмаган. Ахир бежизга айтишмайди,маҳалла --энг мустаҳкам қўрғон, деб...

Борлиқ қоронғу тун оғушида. Қалблар, диллар эса шеърга, қўшиққа, маънавиятга ташна. Каттақўрғон шаҳридаги учрашувда кексаю-ёш шоирларимизни қайта-қайта шеър ўқишга таклиф қилишса, Лутфулла, Эркин, Ёдгор акаларни, Азим Муллахоновни саҳнадан кетмасликка чорлашди.

-- Ҳукуматимиз сиёсатидан, қонунларимиз устуворлигидан қалбларимиз нурга тўлаяпти, -- дейди «Навбаҳор» маҳалла қўмитаси раиси Ҳайрулла Бозоров. -- С. Шамсиев, Т. Даминов, Н. Нормуродова, М. Мирзаева, У. Рўзиқулов, Т. Хўжанқулов каби оқсоқолларимиз ёшлар тарбияси билан жиддий шуғулланишаяпти. 85 ёшлик Малик ота Элмуродовни айтмайсизми. Барча юмушларимизга маслаҳатчи. Зеро, оқсоқоллар маслаҳати маёқ бўлса, ёшлар ҳеч қачон тўғри йўлдан четга чиқмайдилар...

Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган учрашувларимизда вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳ. Нуруллаев, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров, Ургут туман ҳокими Ў. Маҳматмуродов, Каттақўрғон шаҳар ҳокими Т. Ҳамидовлар ҳам бизга ҳамроҳ бўлишди.

ЁНБОШЛАБ ТИН ОЛАР, ОҚСОҚОЛ ЛАНГАР!

Ижодий гуруҳ тонгни Навоий вилоятининг Хатирчи туманида қарши олди. Бу ерда йиғилганлар севимли ижодкорлари-ю, санъаткорларини сабрсизлик билан кутаётган экан. Туман ҳокими Абдуғани Сафаров бошлаб берган учрашув бир ярим соатга мўлжалланган эди. Буни қарангки, уч соатда зўрға тугади. Уларни қўйиб юборгиси келмади. Ҳатто учрашув тугаб, кўчага чиққанимизда ҳам, савол жавоблар давом этди.

Биз вазиятдан фойдаланиб туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Ёвқоч Шодмонов билан гурунглашдик.

-- Кўриб турибсизлар, халқ учрашувларга ташна, -- дейди Ёвқоч ака. -- Энди ҳар хил иқтисодий сабабларни рўкач қилишни қўйиб, ана шундай учрашувларни кўпайтириш керак. Меҳнаткаш халқ ўз

шоири, адиби, санъаткори ёки сиёсатчиси билан юзма-юз учрашишни, ўзи қизиққан саволларга жавоб олишни истайди. Шукрки, туманимизда ақидапарастлик ва шунга ўхшаш салбий ҳолатлар йўқ. Лекин ҳар хил миш-мишлар бор. Мана бугун меҳнаткашларимиз сизлар билан учрашди. Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Энди улар ҳар хил қутқуларга учмайди.

-- Қани эди имкони бўлиб ҳамма маҳаллалар, қишлоқларимизда ана шундай учрашувлар, байрамлар уюштирилса, -- дейди Боғчакалон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдуғаффор Турсунов. -- Бу ерга ташриф буюрган ҳар бир меҳмоннинг сўзи, чиқиши биз учун бир мактаб бўлди. Биз, албатта, бу ҳақда маҳалламиз аҳлига ҳам сўзлаб берамиз.

-- Мен бугун Турсуной Содиқова билан суҳбатлашдим, -- деб дугоналарига мақтаниб турган қизни суҳбатга тортдик. -- Ўзини Сайёра Ниёзова деб таништирган қиз тўлқинланиб сўзлади. -- Ҳа, деб маънавият, маънавият деб телевизорларда гапириш ёки газетада ёзиш бошқа-ю, мана бундай юзма-юз суҳбатлашган бошқа экан. Мен бугун опанинг сўзларидан, шоирларимизнинг шеърларидан, айниқса, Лутфулла Саъдуллаевнинг шеърий ривоятларидан бир олам завқ олдим. Қани эди, тез-тез ана шундай учрашувлар бўлиб турса...

Бизни худди нуроний оқсоқоллардек ёнбошлаб ётган Лангар тоғлари кузатиб қолди.

Куннинг иккинчи ярмида ижодий гуруҳимиз вилоятнинг Қизилтепа тумани меҳнаткашлари билан учрашдилар. Туман марказидаги «Ғалаба» номли истироҳат боғига мингдан ортиқ аҳоли йиғилган. Одатдагидай учрашувни гуруҳимиз раҳбари Азим Суюн бошлаб берди. Энг қизиғи, бир ярим соатга мўлжалланган учрашув қоронғу тушгунча давом этди. Йиғилганлар шоирларни қайта-қайта шеър ўқишга чақирди. Санъаткорларимиз ҳам бир неча мартадан микрафон олдига ташриф буюрдилар. Ижодий учрашувларимиз ижодий мусобақага айланиб кетди.

-- Бизда ҳам санъаткорлар бор, -- деб қолди туман ҳокими Шайбон Набиев. -Бир эшитиб кўрмайсизларми?

Аввалига тортиниб чиққан, тумандаги «Гулчирой» бадиий гуруҳининг раҳбари Ихтиёр Эрназаров сўнг ўзини тутиб олди. У ижро этган «Сувора», «Феруз»лар йиғилганларни сел қилди десак адашмаймиз.

Ҳаммасидан ҳам вилоят ҳокими ўринбосари Азамат Ҳайдаровнинг «Алишер Навоий» драмасидан Навоий монологини ўқиб бериши олқишларга сазовор бўлди.

НИГОҲЛАРДА МУЖАССАМ ТУЙҒУ

Яна бир тонгни Бухоро вилоятида қарши олдик. Номи оламаро машҳур, олиму алломаларини жаҳон тан олган, азалдан маърифат, маданият маскани бўлиб келган қадимий Бухоронинг қайси бир гўшаси, туманида бўлманг, келажаги буюк давлат яратиш, ўзидан авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш ниятида иштиёқ-ишонч билан меҳнат қилаётган одамларни учратасиз. Уларнинг чеҳрасидан бу муқаддас заминимизда ҳаёт кечираётган ҳар бир инсон мустақиллик деган буюк неъматдан тўла баҳраманд, иқтисодий ислоҳотлар самараси, моҳияти, ҳосиласини қанчалик юракдан ҳис қилганликларини пайқаш қийинмас. Эртанги кунга ишонч, нурли манзиллар сари интилиш туйғуси минглаб нигоҳларда мужассам, қорачиқларда жо!

Гуруҳимиз аъзоларини вилоят ҳокими, Республика Олий Мажлиси депутати Самойиддин Ҳусенов кутиб олди ҳамда мазкур ташриф учун миннатдорлик билдирди.

Шундан сўнг учрашувлар вилоятнинг йирик тумани -- Ғиждувондан бошланди. Бу, албатта, бежиз эмас. Улуғ алломамиз Хўжа Абдуҳолиқ Ғиждувоний ҳазратлари номи билан аталадиган бу туман ҳам маънавият, ҳам маърифат, ҳам халқ хўжалигида ўзига хос тажриба мактабига эга...

-- Учрашувни бизнинг боғда ўтишидан беҳад қувондик,- дейди «Соҳибкор» ҳиссадорлик уюшмаси раисаси Саломат опа Ғаниева. -- Бундай тадбирлар, назаримда, кейинги пайтларда унутилгандай эди. Ахир, халқимиз маънавиятини юксалтириш учун шоирлар, санъаткорлар, қалам аҳли тез-тез одамлар орасида бўлиб туришгани маъқул-да. Мана, севимли шоирларимиз нутқидан олам-олам маъно олдик. Ўша ваҳҳобийлик деган бало моҳияти очиб берилди. Маънавиятимизда бўш ҳалқа бўлиши мумкин эмас, ахир!

Вобкент туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалигидаги жонли мулоқотга ҳам кўп киши тўпланди. Яна шеърхонлик, қўшиқ, ҳазил-мутойиба авжга чиқди.

-- Ахир, кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитганга не етсин,-дейди пудратчи Бибиражаб Ашурова. -- Тушдан сўнг далага болаларим билан яхши кайфиятда бораман. 2 гектар ерга чигит экканмиз, ниҳолига ҳавасингиз келади, олтмиш центнердан кам бўлмайди!

-- Биз ёшлар,-- дейди суҳбатдошимиз, Охунбобоев жамоа хўжалиги «Камолот» жамғармасининг етакчиси Фарида Ҳамидова, -- ҳамиша ана шундай учрашувларга чанқоқмиз. Мен ижодий гуруҳни ўз жамоамизга ҳам таклиф этган бўлардим. Ахир, бугунгидай маънавий озуқани бир йил ўқиб, ўрганиб ҳам ололмаслигимиз мумкин.

-- Кўпчилигимизда ҳали эски тузум сарқитлари бор, -- дейди учрашувда сўз олган туман ҳокими, Республика Олий Мажлиси депутати Муҳиддин Эсонов. -- Мана, кўрдикки, ҳам суҳбат, ҳам шеърхонлик, ҳам қўшиқ, ҳам рақс бўлди. Бу, шубҳасиз халқимизни руҳлантирибгина қолмай, балки маънавий дунёсини тубдан ўзгартиради.

... Гуруҳ аъзолари ўтирган автобус кенг буғдойзор, ғўза далаларини кесиб ўтган катта йўл орқали Бухоройи шариф томон илдамлади.

Қадим шаҳарнинг қоқ маркази -- Лабиҳовуз мавзланади, атрофидаги фавворалардан отилаётган сув ҳаво ҳароратини пасайтирмоқчи бўлади. Мана, бу -- минг йилликлардан сўзловчи Девонбеги, Кўкалдош мадрасалари, кекса тут дарахтлари, Шоҳруд ариғи атрофи одамларга лиқ тўла. Сўриларда отахонлар кўк чой ҳўплаб, Яратганга шукроналар айтиб, мустақиллик кунларига етиб келганларидан мамнун:

-- Ҳозир 77 ёшдаман, -- дейди профессор Жума Намозов, - мустақиллик шарофати ила ҳаж сафарига бориб келдим. Бугунги учрашув мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллиги арафасида ўтяпти. Яна қаерда денг -- жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган, маданият, маърифати, қайтарилмас архитектураси билан дунёни лол қолдирган шаҳарда ўтяпти. Биз -- қариялар ёшлар тарбиясига жиддий қараймиз. Уларни эл юмушига ярайдиган Алпомишлар бўлишини истаймиз. Шу боис уларни ҳар хил оқимлар таъсиридан асраймиз.

-- Жума ака ҳақ гапни айтдилар, -- дея суҳбатни давот эттирди Бухоро шаҳар «Нуроний» жамғармаси раиси Ориф ҳожи Хўжаев. -- Юртбошимиз Олий Мажлиснинг XI сессиясида олимларимиз, таълим-тарбия даргоҳлари тарбиячилари, маҳалла оқсоқолларига мурожаат қилиб, ёшларни соғлом эътиқодли қилиб тарбиялаш, болаларимизни ҳар қандай ёвуз хавфдан ҳимоя қилиш даркорлигини, бунда ҳамма масъул эканлигини уқтирдилар. Шаҳримизда 34 минг нуроний яшайди. Шуларнинг аксарияти тарбиявий ишлар билан банд. Бугунги учрашув бизга янги йўналиш берди, руҳиятимиз кўтарилди.

Учрашув сўнггида вилоят ҳокими ўринбосари Нуриддин Очилов ва Бухоро шаҳар ҳокими, Республика Олий Мажлиси депутати Карим Камолов гуруҳ аъзоларига миннатдорлик билдирдилар.

Саҳифа материалларини ўз мухбирларимиз Ислом ҲАМРО, Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, Музаффар ШАРОПОВ, Даврон БАҲРОНОВ тайёрлади.

Суратлар муаллифи Турғунбек МАҲКАМОВ

МАНТИҚИЙ ТАФАККУР

Ҳозирги вақтда бутун дунё олимларининг диққат-эътибори ўсишнинг мактабгача ёшдаги болаларда яширинган улкан илм имкониятларига жалб этилган. Бизда, шунингдек, чет элларда ўтказилган педагогик, психологик ва физиологик текшириш, 5—8 яшар болалардаги билимларни ўзлаштириш ҳамда умумий ўсишнинг ички руҳий-физиологик имкониятлари ҳозиргача фараз қилинганидан кўра анча юқори эканлигидан далолат беради.

Бинобарин, олти яшар болалар организмининг мактаб машғулотларига ақлий шаклланиш жиҳатидан тайёр эканини тасдиқловчи бундай эътиборли хулоса мактабгача ёшдаги болалар ўртасида шахматни кенг оммалаштиришга йўл очади. МДҲ шаҳарларидаги баъзи болалар боғчаларида шахмат ўргатиш йўлга қўйилаётган, кичкинтойлар гуруҳи ташкил этилаётган бир пайтда юртимизда бундай тажриба негадир қўлланилмай турибди.

Яқинда бир дўстим билан Фишеру Карповдан бошланган суҳбатимиз охирида менга бежиримгина ўқувчи папкасини кўрсатиб, ичидаги шахмат тахтачасига ишора қилди: «Бу йил мактабга боради, — деди у қувонч билан, — ҳозирнинг ўзидаёқ баъзан мени ҳам «эзиб» ташлаяпти.

Ажойиб совға, Хўш, кичкинтойларни шахмат ўйинига жалб этишдан нима фойда? Маълумки, улар жуда сабрсиз бўладилар. Аммо уларга хос кўпгина машғулотлар учун ҳам диққатни жамлаш лозим. Уқтириш ёки мажбур этиш билан бундай фазилатларни ортти-риш жуда қийин.

Тажрибадан маълумки, мусиқага унча ҳавас

1

қўймаган боласини шунча ўргатишга уринган баъзи ота-оналар пушаймон бўладилар. Ҳамма гап ҳавас уйғотишда, хоҳишда, уни вужудга келтиришда. Шахмат ўйнашда ҳам мажбур этиш ярамайди. Умуман ўйин болаларнинг жони. Шахсан шахмат ҳам — ўйин. Доналари ажойиб-ғаройиб ўйинчоқларга ўхшайди. Қоидалари мураккаб эмас, ўйин жараёни қизиқарли қилиб тушунтирилса бас.

...Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан. Қадим замонда бир подшо ўтган экан. Унинг иккита ўғли бўлиб, бири Оқ шаҳзода, иккинчиси — Қора шаҳзода экан. Оталари ўлгач, шаҳзодалар ўртасида жанжал чиқиб, бир-бирларига уруш эълон қилибдилар. Уруш бўлаверибди, одамлар қирилаверибди.

— Подшои олам, — дебди бир донишманд Оқ шаҳзодага, — ижозат этсангиз, мен сизни укангиз билан яраштириб қўйсам. Мен бунинг аломат бир йўлини биламан.

Донишманд қўлтиғидан олачипор бир тахтачани олибди-да, унга ғаройиб доналарни тика бошлабди. Ҳамма ҳайрон эмиш.

— Буни шахмат дейдилар, — дебди донишманд, — шунақа қизиқ ўйинки, ҳамма нарсани унутади одам.

Сўнгра у шаҳзодага ўйинни ўргатишга киришибди. Шаҳзода ўйинга шунчалик берилиб кетибдики, кечасию кундузи тахтадан бош кўтармабди. Орадаги низони ҳам унутиб, укасига чопар юборибди ва ярашишга кўнса, унга ажойиб бир нарса кўрсатишни ваъда қилибди. Шундай қилиб, ярашишибди. Шаҳзодалар энди фақат шахмат тахтасида «жанг» қиладиган бўлиб қолишибди. Уруш барҳам топганидан

2

эса ҳамманинг боши осмонга етибди.

Шунга ўхшаш тарзда бошланган шахмат дарси қайси бир кичкинтойни ўзига тортмайди, дейсиз. Албатта бу гапларни асосий фикр-мулоҳазаларимизга бир муқаддима бўлармикан, деган ниятда келтирдик.

Хабарингиз бор, яқинда Президентимиз Фармонига биноан Рустам Қосимжонов Ватанимиз обрўсини, шон-шуҳратини ва шарафини юксалтириш йўлидаги катта хизматлари учун ҳамда шахмат бўйича жаҳон миқёсидаги улкан ютуқлари учун Ўзбекистон Белгиси кўкрак нишони билан тақдирланди. Буни умуман шахмат санъати, спортига, қолаверса, мустақиллик йилларида оламшумул муваффақиятларни қўлга киритаётган шахматчиларимизу уларни тарбиялаб вояга етказаётган федерация ҳамда мураббий-устозларимиз фаолиятига берилган юксак баҳо сифатида қабул қилар эканмиз, ютуқларимизни мустаҳкамлаш учун ҳали кўп ишлар қилишимиз кераклигини яққол сезиб турибмиз.

Яқинда Тошкентда ўтказилган биринчи болалар халқаро турнири етакчи шахматчиларимизга арзигулик ўринбосарлар тайёрлаш борасида яхшигина тадбир бўлди, десак арзийди. Тошкент ва Самарқанд вакилларидан кейинги учинчи совринли ўрин Қорақалпоғистон жамоасига насиб этганлиги жуда қувонарли ҳолдир. Бунда тахиятошлик кекса математика ўқитувчиси ҳамда шахмат жонбози Турсунбой Сейитназаровнинг хизматлари таҳсинга лойиқ. Уларнинг елиб-югуриши, ўта ташаббускорлиги орқасида болалар спорт мактаби қошида шахмат бўлими ҳам ишлаб турибди. Ҳатто, Республика спартакиадаси дастуридаги шахмат мусобақалари-

3

нинг Нукусда ўтиши ҳам ҳар жиҳатдан таъминланди. Унинг шогирдларидан бири Азамат Дауронбетов 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида Францияда ўтказилган жаҳон биринчилигига йўлланма олди. Қашқадарёликларнинг тўртинчи ўринга чиқишида эса Чироқчининг узоқ қишлоқларидан бирида яшовчи 10 яшарлик қизча Сарвиноз Эргашеванинг ҳам улуши бор. Қаршида ўтказилган мусобақаларда ўз ёши тоифасида республика чемпиони бўлган Сарвиноз Францияда ҳам бўй-бастини кўрсатди. Иш, ташаббус бор жойда муваффақият ҳам бўлади-да!

Шу ўринда ҳар жиҳатдан бақувват Фарғона вилоятидан халқаро турнирга олти нафар ўрнига атиги икки вакил келганлигига нима дейсиз. Улар ҳам қанақа қилиб келганлигини айтинг. Бундан бир неча йил муқаддам нефтни қайта ишлаш заводи маданият саройи қошида «Дебют» шахмат клуби ташкил этилган бўлиб, ҳозир бу ерда бир-икки гуруҳда

4

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Ўзэкспомарказ»да Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш бўйича ихчам ускуна ва минитехнологиялар» халқаро кўргазмасини ўтказмоқда.

Кўргазмада Германия, Япония, Исроил, Хитой, Туркия, Ўзбекистон ва бошқа кўплаб мамлакатлар фирма ва компанияларининг ускуна ва технологиялари намойиш этилмоқда.

«ОСТИМ» -- нафақат Туркияда балки, жаҳондаги йирик фирмалардан бири. Шу боисдан мамлакатимизда мазкур фирманинг ҳам маҳсулотлари кўргазмага қўйилган. Мақсад --мамлакатимиз билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш. Қолаверса, шерикчилик ва савдо-сотиқни янада ривожлантиришдир.

СУРАТЛАРДА: кўргазма залларида.

Ўктам ШАРИПОВ олган суратлар



СФИНКС ҲАЙКАЛИ ТАЪМИРЛАБ БЎЛИНДИ

Миср Араб Республикасида қайтадан таъмирланган Сфинкс ҳайкали тантанали очилди. Бу ишга 10 йил вақт ва 2,5 миллион АҚШ доллари сарфланди. 4500 йиллик ярим шер, ярим инсон рамзидаги ушбу қоматнинг очилишида Миср Президенти Муҳаммад Ҳусни Муборак иштирок этди. Миср раҳбарияти янги таъмирланган ҳайкал мамлакатда туризмни қайтадан жонлантиришда муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисобламоқда. Бинобарин, ислом жангарилари ўтган йилнинг ноябрь ойида жанубдаги Луксор шаҳрида 58 сайёҳни отиб ташлагандан сўнг мамлакатда туризм соҳаси анча оқсаб қолган эди.

ЗОБИТ НЕГА ЎЛДИРИЛДИ?

Тожикистонда жойлашган Россиянинг 201-дивизияси майори Анатолий Ушенкин ўтган душанба куни номаълум шахслар томонидан отиб ўлдирилган эди. Тожикистон Республикаси бош прокурори Саломиддин Шаропов тажрибали ходимлар, ички ишлар ва миллий хавфсизлик вазирлиги терговчилари бу иш билан астойдил шуғулланаётганларини айтди. Бироқ, зобит нега ўлдирилгани сабабларини ҳеч ким аниқ айтиб бера олмади.

ДИНИЙ ПОЛИЦИЯНИНГ ЯНГИ ҒАЗАБИ

Толибонларнинг диний полицияси мусулмон қонунларига риоя қилишни таъминлаш борасида янги ҳаракатларни бошлади. Гуноҳкорлар оммавий равишда жазоланмоқда. Масалан, Қобулда соқолини олдирган 500 эркак ҳибсга олинди ва оломоннинг кўз олдида қамчиланди. Жазодан такси ҳайдовчилари ҳам қуруқ қолишмади. Ўз иши билан қариндош-уруғлари бўлмиш эркакларнинг кузатувисиз кўчага чиққан аёлларни манзилига элтиб қўйгани учун улар ҳам жазоланишди. Юзини беркитиб юрмаган 100 та аёл қаттиқ жазога тортилди. Толиблар янги жазо чораларини ҳам ўйлаб топишди. Масалан, ўғирлик қилганлар бичиб қўйилмоқда. Қотиллар эса қатл этилмоқда.

БАНКЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон ва жаҳон

Мустақил Ўзбекистон Республикаси халқаро иқтисодий тизимга интеграллашган ҳуқуқий демократик давлат қуришга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар йўлидан одимлаяпти. Ўзбекистон иқтисодини юксалтиришда банк ва молия тизимининг аҳамияти катта бўлиб, иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш учун банклар фаолиятини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш талаб этилади.

Бу жараённинг узлуксиз ва изчил амалга оширилишида турли хил халқаро ташкилотларнинг ўзига яраша ўрни бор. ТАСИС — бу Овропа иттифоқи комиссиясининг собиқ иттифоқ республикалари ўрнида пайдо бўлган янги мустақил давлатларга техник ёрдам лойиҳасидир. ТАСИСнинг навбатдаги лойиҳаси Ўзбекистон банклари ассоциацияси қошида ўз фаолиятини бошлади ва «Банк маслаҳати хизмати» номли ушбу лойиҳанинг мақсади икки йил мобайнида республикамиз тижорат банкларига банк фаолиятининг барча йўналишлари бўйича амалий кўмак беришдир.

«Банк маслаҳат хизмати» республикамиз тижорат банкларига қандай хизматларни таклиф этиши мумкин, деган саволга жавоб берар экан, дастур раҳбари, даниялик банкир жаноб Пер Мадсен бу масалага амалий ёндашиш зарурлигини таъкидлади. Бу дегани, лойиҳа мураккаб назарий маслаҳат ва таклифлар бермай, балки тижорат банкларига банк фаолиятига бевосита алоқадор бўлган амалий қўлланмалар ишлаб чиқиш, банк хизматларининг кредит ва банк кафолатлари, қимматбаҳо қоғозлар, халқаро операциялар, банкнинг пассив ва активларини бошқариш, бухгалтерия ҳисоби, ички аудит, ҳуқуқий масалалар, ахборот технологиялари, молиявий назорат каби йўналишлардаги кундалик масала ва муаммоларни ҳал этиш бўйича йўл-йўриқларни ўргатишдан иборат.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, «Банк маслаҳат хизмати»нинг аксар ходимларини банк ва молия соҳасида тажрибага эга бўлган маҳаллий экспертлар ташкил этиб, улар билан бир қаторда Европа мамлакатларидан таклиф этилган мутахассислар ишламоқдалар.

«Банк маслаҳат хизмати» техник ёрдамини интеграллаш қисми сифатида банкларга турли хил йўриқномаларни ўзбек, рус ва инглиз тилида тақдим этиш ҳам режалаштирилган.

Техник ёрдам кўрсатиш қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади:

1. Маълум бир масалалар юзасидан бевосита маслаҳат бериш;

2. Банк ходимларининг малакасини иш жойида ошириш;

3. Банк мутахассислари учун маълум бир мавзуга бағишланган семинарлар ташкил этиш;

4. Маҳаллий экспертларга Европа стандартларига мос йўл-йўриқлар бериш.

Дастурнинг фаолият бошлаши арафасида бўлиб ўтган тақдимот маросимида Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банкининг раҳбари Рустам Азимов дастур ўз фаолияти мобайнида фақатгина республикамизга чет элдан мутахассис жалб этиш билан чекланмасдан, миллий кадрларни жаҳон стандартлари даражасида тайёрлашга, шунингдек чет эл мамлакатларининг нуфузли банк муассасаларида ёш ўзбек банкирларининг малакасини оширишга эътибор бериш лозимлигини таъкидлаган эди. Дастур раҳбари жаноб Пер Мадсен биз билан суҳбатда ҳозирги кунда Банк-молия академияси тингловчиларига инглиз тилида бир қатор лекциялар ўқиш, банк коллежларида дарслар ўтиш каби ишларни ҳам режалаштирганликларини айтиб ўтди. Дастурда «Банк маслаҳат хизмати»дан амалий ёрдам олган банклар Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан келишган ҳолда консультантларнинг хизмати учун рамзий миқдорда сўмда ҳақ тўлашлари ҳамда баъзи бир ҳолларда ассоциация қарори билан қийин аҳволдаги банкларга бепул ёрдам кўрсатиш назарда тутилган.

Ҳозирги кунда дастур мутахассисларининг республикамиздаги фаолияти самарали бўлиши учун тижорат банклари билан амалий ҳамкорлик ўрнатиш устида иш олиб борилмоқда.

Рисолат ТОШПЎЛАТОВА

ЎТТИЗ БЕШ СОАТЛИК ИШ ҲАФТАСИ

Франция Миллий мажлиси 35 соатлик иш ҳафтаси жорий этиш ҳақидаги қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади. 75 соатлик қизғин баҳслардан сўнг ушбу қарор қабул қилинди. Ўнг марказчи блок аъзолари ҳафталик иш соатини тўрт соатга қисқартириш ишсизликни камайтирмайди, балки ишсизлар сони кўпайиб кетади, деб ҳисоблаганди. Ҳукумат эса кўрилган янги тадбир беш йил ичида 210 мингдан 280 минггача ишчи ўринлари яратиш имконини беради, деб ҳисобламоқда. Натижада янги қонун лойиҳаси учун ҳукмрон коалиция аъзолари бўлмиш социалистлар, коммунистлар ва «яшиллар» овоз бердилар. Ушбу қонунга кўра, 20 кишидан кўпроқ одам ишлайдиган давлат ва хусусий корхоналар 2000 йилгача 35 соатлик иш ҳафтасига ўтишлари шарт. 20 кишидан камроқ ходими бўлган жамоалар эса ушбу қонунни бажаришни яна икки йилга узайтиришлари мумкин. Қонун ундан фойдаланиш жараёнини назорат қилмайди. Бу иш билан менежментлар ва касаба иттифоқлари шуғулланишади.

ДОҒИСТОНДА АҲВОЛ ЯХШИ ЭМАС

Доғистондаги вазият бутун жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётир. Махачқалъа шаҳрида қуролли кишилар гуруҳи республика давлат кенгаши биносини эгаллаб олишганди. Бу албатта, Россия Президенти Борис Ельцин билан бош прокурор Юрий Скуратовнинг учрашуви пайтида муҳокама этилади. Россия Федерацияси ички ишлар вазири Сергей Степашин ҳам Махачқалъага келди.

ЭРОНДА БАЙРАМ

Эронда халқаро иқтисодий жазо чоралари анча юмшаганлиги ва ҳамкорлик учун янги имкониятлар яратилганлиги муносабати билан байрам қилинаётир. АҚШ Президенти Билл Клинтон ва Европанинг кўпгина раҳбарлари Эроннинг миллий транспорт компаниялари ва энергетика соҳасига қўйилган чеклашларни пасайтириш ҳақидаги келишувни имзоладилар. Илгари америкаликларнинг талабига биноан Эрон ва Ливияга нисбатан жазо чоралари қўлланилаётган эди. Унга биноан агар қайси компания Эрон нефть-газ саноатига йилига 20 миллион доллардан зиёд сармоя ётқизадиган бўлса, ушбу компанияларнинг ўзлари ҳам жазоланардилар. Бу АҚШдан бошқа ҳеч кимга мақбул эмасди. Бироқ, Вашингтон ҳам ён беришга мажбур бўлди. Сентябрь ойида Эрон газ конларини очиш учун 3 миллиард долларлик шартнома имзолаган эди. Эндиликда Франция, Россия ва Малайзия нефть компаниялари «Тоталь» концерни раҳбарлигида йирик ишларни амалга оширишади. Маълумки, АҚШ билан Эрон ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1979 йилда узилиб қолган эди. Ислом инқилоби натижасида муҳолифатчилар Теҳрондаги Америка элчихонасини эгаллаб олиб, унинг ходимларини гаровга олишганди. Ҳокимият тепасига эҳтиёткор Президент Муҳаммад Ҳотамий келганидан сўнг Америка-Эрон муносабатларида илиқлик сезилди. Бироқ, АҚШ ҳамон Эронни халқаро терроризм макони, деб ҳисобламоқда.

РАСМ ЎҒРИЛАРИ ҚИДИРИЛМОҚДА

Римдаги давлат миллий кўргазмалар залида учта қимматбаҳо расм ўғирланди. Улар Ван Гогнинг «Боғбон» ва «Арналик аёл» ҳамда Сезаннанинг «Боғдаги кулба» деб номланган ноёб асарларидир.

Маълумотларга қараганда, тун ярмида ниқобли уч босқинчи музей хизмат эшиги орқали бинога кирган. Сўнг музейда хизмат қиладиган уч аёлнинг қўл-оёғини боғлаб, суратларни олиб чиқиб кетган. Рим полицияси қидирув ишларига қаттиқ киришган бўлсада, жиноятчиларнинг изи ҳозирча топилгани йўқ. Афсуски, Италияда бундай ўғирликлар «катта янгилик» ҳисобланмайди. Мазкур воқеадан аввалроқ Модена шаҳридаги давлат музейидан Веласкеснинг бир неча асари ўғирлаб кетилган эди.

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛДИ

Аргентиналик мультимиллионер Алфред Ябран ўз жонига қасд қилди. Ажабланарли томони шундаки, ўлимидан икки кун аввал унга ёлланма қотил, деган айб қўйилганди.

А. Ябран Аргентинада анча машҳур тадбиркорлардан бўлиб, молдавлати 600 миллион АҚШ долларидан кўпроққа баҳоланган. Бироқ, миллионер кўп йиллар давомида матбуот эътиборидан четда юрди. Фақат собиқ иқтисод вазири Доминго Кавалло уни «мамлакат президенти Карлос Менемнинг одами», деганидан кейингина А. Ябран номи газета саҳифаларида тез-тез кўрина бошлади. Маълумки, Аргентинада К. Менемнинг ўзи раҳбарлик қиладиган жиноий гуруҳ бор, деган овозалар юради. Шу боис мультимиллионернинг у билан яқинлиги ҳақидаги хабарлар анча шов-шувга сабаб бўлди. Бунинг устига, «Нотисиас» журнали ҳам А. Ябраннинг «мафияга тегишли одам» эканини тасдиқлайдиган суратларни босиб чиқарди.

Шундан сўнг полиция вакиллари Ябранни ҳибсга олишга қарор қилди. Лекин, полициячилар озгина кечикди: А. Ябран ўзини отиб улгурган эди.

МИТТИ ТЕРРОРЧИ

АҚШнинг Спрингфилд шаҳридаги мактаблардан бирининг ошхонасида қонли можаро содир бўлди. Юқори синф ўқувчиларидан бири ёнидаги қурол билан ошхонадаги 400 га яқин хўрандага қарата ўқ узди.

15 ёшлар атрофидаги ўспириннинг қўққисдан бошлаган «ҳужуми» натижасида 17 яшар бир ўқувчи ҳалок бўлди, 23 киши жароҳатланди. Ўз вақтида етиб келган полициячилар ёш террорчини тезлик билан қуролсизлантирди. У эса, жазавага тушганча «мени ўлдиринглар» дея қичқира бошлади. Аниқланишича, қўпорувчи бола мактабга келишдан аввал ота-онасини ҳам ўлдирган.

(Материаллар ЎзА ва хорижий манбалар асосида тайёрланди)

МАКТАБИ

машғулотлар олиб борилмоқда. Унинг директори Нина Ким ташаббуси билан Қиргулидаги иккита умумтаълим мактабида машқлар ташкил этилган. Уларга ўринбосарлар болалар боғчаларидан танлаб олинмоқда. Шаҳар маориф бўлими рухсати билан бешта боғчада шахмат машқлари ҳам ўтказилиши тарбияланувчиларга, айниқса, ота-оналарга маъқул тушмоқда. Фарзандида ажойиб фазилатлар пайдо бўлишига туртки бўлаётган шахмат машғулотларини қайси бир ота-она ёқламайди. Суриштирсак, етти яшар боланинг халқаро турнирга келиб-кетиш харажатларини уларнинг ота-оналари — Аҳмедовлар ва Хегайлар оиласи ўз зиммасига олибди. Инсон ўзи ёқтирган нарсани фарзандидан аямайди, бунинг учун ҳамма нарсага тайёр!

Хўш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи раҳбарияти шахматчиларни имкон қадар қўллаб-қувватлаётган экан, вилоят раҳбарлари, спорт ташкилоти нега шахматга чап кўз билан қараб келмоқда? Бу гаплар халқаро болалар турнирига биронта ҳам вакил юбормаган Наманган, Сирдарё, Жиззах, Навоий, Бухоро, Хоразм вилояти мутасаддиларига ҳам тегишлидир.

Мустақиллик кунига бағишланган халқаро турнирда юксак натижаларга эришган йигирмадан зиёд иштирокчига «Труд» газетаси таъсис этган қимматбаҳо соврин ҳамда Республика давлат спорт қўмитасининг дипломлари топширилди. Бу ажойиб кўрикда 100 га яқин болалар ва қизлар ўзаро баҳсда маҳоратларини кўз-кўз қилдилар. Уларнинг аксарияти аъло ва яхши баҳоларга ўқир эканлар.

Энди мен ушбу мақолани ёзишга ундаган ўта долзарб масала хусусида тўхталмоқчиман. Олий Мажлис сессияларидан бири муҳокамасига киритилган масалалар орасида республикада таълим соҳаси тизимини тубдан яхшилаш юзасидан сермазмун ва кенг қамровли мулоҳаза юритилди. Президентимиз маърузасида баён қилинган чуқур таҳлилу тавсиялар, узоқ йилларга мўлжалланган пухта дастур йўл-йўриқларидан кўп нарсаларнинг калити ёшларимизнинг мустақил фикрлашга ўргатишни ҳал қилиш кераклигини уқдим. Зеро, шахмат мустақил тафаккур омилларидан саналади. Шахмат инсон қалбидан қайнаб чиққан туйғулар, ёқимли ҳислар, ақл-тафаккур билан уйғунлашиб кетади. Шахмат тахтасининг ҳар бир катагида сирли олам яширинган. Бу кишини мушоҳада тарозусида тортилган фикрлар, жўшқин ҳислар гирдобига, кураш майдонига етаклайди. Ҳа, шахмат ўт-олови йўқ улкан жанг майдонига, ёзувчиси-ю охири йўқ китобга ўхшайди. Минг йиллардан бери ўша 64 катакда 32 дона — сипоҳу пиёдалар билан жанг қилинади, ўша 64 саҳифада 32 та «ҳарф» билан сўз ясалади, лекин ҳали ҳеч ким унинг адоғига етган эмас! Муаммолари чексиз.

Математикларнинг ҳисобига қараганда, шахмат тахтасида қилинган дастлабки ўн юришдан кейин шунчалик кўп вариантлар, яъни 64 катакда 32 донанинг турли-туман комбинацияси — ўрин алмаштиришларини кўриб чиқиш учун ер куррасидаги жамики одамлар бирваракайига ишга тушган ҳолда 200 миллиард йил давомида доналарни у хонадан бу хонага суришлари лозим экан. Бу секундига минг-минглаб операция бажарадиган ҳозирги замон электрон ҳисоблаш машиналари учун ҳам бир неча йил давомида бажариладиган ишдир. Аммо инсон мияси, унинг ақл-заковати, минг-минглаб имкониятлар орасидан энг керакликларини дарҳол ажратиб олиш ва ўшалар устида мулоҳаза юритиш хусусиятига эгадир.

Тарих саҳифаларига таяниб дадил айта оламизки, кейинги минг йиллик давомида яшаб ижод қилган фан ва маданият арбобларининг аксарияти шатранж-шахмат ўйинининг нафислиги ва мураккаблиги, маданий-тарбиявий ва ҳаттоки ижтимоий аҳамияти тўғрисида жуда кўп илиқ сўзлар битишган.

Уларнинг бари бу қадимий ва ҳамиша навқирон ўйин — шахматга «Ақл тоши», иккинчиси «Зеҳнга жило берувчи восита» деса, учинчиси «Ақл гимнастикаси» деб ардоқлаган. Унинг энг муҳим жиҳатларидан бири кишини «етти ўлчаб бир кесиш»га ўргатади. Қанчалик ҳаётий зарурат бу. Немис олими Г. Клаус: бошланғич синфлар ўқув дастурига мантиқ дарси киритгандан кўра, болаларга шахматни ўргатиш, жиддий машғулотларга жалб қилиш фойдалироқдир, зеро кураш элементларини ўзида жо қилган ўйин жараёнининг ўзи мантиқни ўстиради, дейди. Ҳа, шахмат курашни акс эттиради, кураш эса одамзоднинг асли кимлиги, нималиги билан чамбарчас боғлиқ нарсадир. Баҳс — ҳақиқат калитидир.

Шахмат: мулоҳаза, мушоҳада

Маълумки одам таълимнинг бошқа усулларига қараганда ўйин жараёнида тузукроқ ўрганади. Бизнинг замонамизда ижодий фаолият фақат факт ва ахборотларнинг улкан оқимини қисқа муддатда таҳлилий равишда ишлаб чиқиб, уни жиловлай олган кишигагина насиб этади.

Муҳим жойи шундаки, мумкин бўлган кўплаб юришларнинг бирини танлашдан аввал шахматчи рақибнинг барча жавобларини салмоқлаб кўриши лозим. Шахмат ўйнаётган кишини олий кибернетик тизим билан таққосласа бўлади...

Хуллас, шахматни янги таълим тизимига киритиш ёшларни мунтазам мантиқий тафаккурга ўргатса, иккинчи томондан улар орасидан етишиб чиқувчи юксак маҳорат эгалари жаҳон майдонларида мамлакатимиз шон-шуҳрати учун дадил курашадиган мавқега кўтариладилар. Бу билан ўлкамиз асл шатранж-шахмат ватанларидан бири эканлигини намойиш этадилар.

Турган гапки, биз ўртага қўяётган вазифани бажариш учун уни тегишли ташкилотлар атрофлича муҳокамадан ўтказишлари ва тегишли савияда қарор қабул қилиниши талаб этилади.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси шахмат федерациясининг биринчи вице-президенти, хизмат кўрсатган мураббий

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Саида ЎЎЛДОШЕВА, навбатчи Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 28061 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 03

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 23.15.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Шеър ва шуур

КУЮНЧАК ИНСОН

Абдулла Жалилнинг «Қуёшга мактуб» (1990), «Уйғоқ руҳлар» (1992), «Бўҳтон ва ҳақиқат» (1993), «Ўтаётган кун» (1994), «Тўққизинчи салб юриш» (1994), «Ватаним онам» (1996), «Шамшод яproқлари» (1997) номли китоблари нашр этилган.

Абдулла Жалил маърифатпарвар, адолатпарвар ижодкор, шеърлари ва публицистик мақолалари республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, демократик жамият қурилишида муҳим аҳамият касб этаётир. Ҳозир Абдулла Жалил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилояти бўлимининг масъул котиби, ижодий кенгаш раиси бўлиб хизмат қилмоқда.

Эҳтиром

УМР САЙҚАЛИ



Пурвиқор тоғлар этагида, тоғларнинг тоза эпкини уфуриб турадиган жойда жойлашган Зомин шаҳарчасининг қоқ ўртасида «Сайқал» номли оромгоҳ бор. Унинг ёнидан ўтган йўловчи, шошиб турган бўлса-да, бир зум тўхтаб, ҳордиқ чиқаришга, ҳузур қилиб бир пиёла чой ичишга ихтиёр этмаслиги маҳол.

Барчага манзур бўлиб қолган бу сўлим гўшанинг бунёд этилишини кўпчилик Аҳад аканинг номига боғлашади. Чиндан ҳам шундай. У ўзи туғилиб ўсган туманга биринчи раҳбар бўлган йилларда ободончиликка, қурилишларга, қисқаси бунёдкорликка бор куч-ғайратини сарфлади. Зеро, қайсидир бир донишманд ҳам ўзи туғилиб-ўсган қишлоқни улуғламаган инсон том маънода ватанпарвар бўлолмайди, деган экан. Шу маънода, Аҳад ака хақиқий ватанпарвардир. Унинг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида Зомин қишлоғи ҳақиқий шаҳарга айланди. Кенг ва ёруғ кўчалар, муҳташам бинолар, истироҳат боғи шаҳар кўркига кўрк қўшди.

Аҳад аканинг қўриқ Арнасой туманида амалга оширган ишларининг ўзи бир достон. Туманнинг шаклланиб, бир-икки йилдаёқ бутун республикага танилишида у кишининг хизматлари йўқ дейсизми? Пахта етиштиришдек машаққатли жараённи комплекс механизациялаш, теримни юз фоиз техника гарданига юклаш сингари ўша даврнинг қийин вазифалари худди шу ерда қойилмақом қилиб бажарилганди.

Халқимизда чинор дарахтига нисбатан алоҳида эҳтиром мавжуд. Эҳтимол бу дарахтнинг умри узунлиги, табиат ва замон синовларию бухронларига бардошлилиги шу ҳурматга сазовар этган. Шу боис уни эъзозлайди, ёқтиради. Аҳад акамиз ҳам чинор шайдоси. Қаерда ишламасин чинор экишни канда қилмади, бошқаларни ҳам шунга даъват этди.

-- Чинор, бу мангулик ва эзгулик дарахти—дейди Аҳад ака гулдираган овоз билан.

Дарвоқе, унинг қисқа ва лўнда гапида олам-олам маъно бор. Буни англаш учун, ҳис этиш учун, бугун гулистонга айланган қўриқ воҳа йўлларида соя ташлаб турган чинорларига, Арнасойнинг Ғолиблар қўрғонидаги «Минг чинор» истироҳат боғига, Зоминдаги улкан дарахтлар сафига разм солиш керак. Ана шунда ҳақиқатни англайсиз! Чунки ўша минглаб чинорларнинг лоақал биттаси юз асрлар оша яшаши мумкин-ку!

Биз алоҳида эҳтиром билан ёзаётган қаҳрамонимиз--Аҳад Соибназаров бугун етмиш ёшни қаршилаяпти. Ўзининг ҳалол меҳнати, одамохунлиги билан юртдошлар меҳр-муҳаббатига, иззат-икромига сазовор бўлган ажойиб инсон, устоз ҳали кексаликка бўй бергани йўқ. Ҳамон фаол меҳнатда -- туман пиллачилик идорасини бошқаряпти. Бинобарин, бу ерда ҳам унинг бой ҳаётий тажрибаси, раҳбарлик услуби асқотяпти. Туманда ҳар йили мўл-кўл қимматли саноат хомашёси тайёрланаётгани бунинг далилидир.

Меҳнат умрнинг сайқалидир. Астойдил қилинган ҳалол меҳнат эса умрга безак, мазмун бағишлайди. Бу безак шуки, у ҳамма бажариши мумкин бўлган нарса эмас, балки фақат соҳибининг ўзигина рўёбга чиқара оладиган ишдир. Аҳад Соибназаровнинг ярим асрдан зиёд меҳнат фаолиятида эса бундай ишлар бисёр. Юқорида тилга олиб ўтган «Сайқал» оромгоҳи ҳам шуларнинг бири, холос.

Азим СУЮНОВ,
Норбобо ШАКАРОВ

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 28 may, payshanba № 63 (22.300).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

ДАВЛАТИМ
(Қасида)

Жонажоним, меҳрибоним Давлатим,
Бошимдаги соябоним Давлатим,
Бир юз ўттиз йил кутилган орзиқиб,
Руёб бўлган зўр армоним Давлатим.

Қадим Туркий эллар, Билга ҳоқондан,
Донишманд Култегин, Элтаришхондан,
Она-Ер бешиги -- қўҳна Турондан,
Менга қолган бир ёдгорим Давлатим.

Ўн олти бор буюк давлат қурибсан,
Бир юз эллик бора ҳукм сурибсан,
Тарихингда беш минг йилни кўрибсан,
Тахтим, бахтим, пойидорим Давлатим.

Тождорлари ҳоқон, султон, амирхон,
Бири Амир Темур соҳиби қирон,
Бари қучмиш бу дунёда шуҳрат шон,
Тожлар ичра энг номдорим Давлатим.

Сен ҳамиша навқиронсан, ёшдирсан,
Аммо буюк улуғ элга бошдирсан,
Азиз юртга паноҳ, кўзи қошдирсан,
Тўрт фасли гул, навбаҳорим Давлатим.

Ишонганим, суянчиғим ўзингсан,
Юрагимнинг ўти, чўғи ўзингсан,
Кўзларимнинг қорачиғи ўзингсан,
Танамдаги куч, мадорим Давлатим.

Бошимизга қўнган ҳумо қушдирсан,
Ўзинг бизга қудрат, ақл, ҳушдирсан,
Душманларнинг бошларига муштдирсан,
Ҳар бир ишда чин қарорим Давлатим.

Давлат десам, дилда меҳрим жўш урар,
Илҳом парилари келиб тўш урар,
Вужудимда ғурур, фахрим жўш урар,
Фикрим, зикрим, эътиборим Давлатим.

Бўй таратиб раҳм, шафқат гулидан,
Юриб боқий маърифатнинг йўлидан,
Маҳкам тутгин адолатнинг қўлидан,
Сендан менинг ўтинч, зорим Давлатим.

Зўрлик, зулм илдизларин қуриттин,
Золимларнинг пешонасин шўр эттин,
Босқинчининг кўзларини кўр эттин,
Адолатли нажодкорим Давлатим.

Оилага бахту иқбол тилаган,
Ҳар инсонга ривож, камол тилаган,
Бева-бечоралар бошин силаган,
Фуқарога мададкорим Давлатим.

Байроғингда уч ранг бордир муқаддас,
Ҳаво ранги бағринг кенглигидир, бас,
Оқ ранг поклик, яшил -- исломга пайваст,
Имонимсан, номус, орим Давлатим.

Боболарнинг руҳини шод айлаган,
Буюкларнинг номларин ёд айлаган,
Қўнгиллар мулкини обод айлаган,
Эзгуликка меҳри борим Давлатим.

Қўшин кучли бўлсин, аскар қувватли,
Зобитлари Гўрўғлидек келбатли,
Сардорлари Бобур каби шавкатли,
Балолардан ҳаласкорим Давлатим.

Замин борки, сен абадий турарсан,
Авлодларнинг бахт, иқболин кўрарсан,
Мангу гуллаб, яшнаб, қулф урарсан,
Мангуликка дахлдорим Давлатим.

Юртбошим бор, танти, ўктам, донишманд,
Доимо эл ташвиш, ғами билан банд,
Нияти пок, назари тоғдек баланд,
Юртбошидан бахти борим Давлатим.

Умрим борки, мадҳинг куйлаб ўтарман,
Ривожингни тилаб, ўйлаб ўтарман,
Зафарларинг элга сўйлаб ўтарман,
Қўлда созим, янгроқ торим Давлатим.

Улуғ номинг ардоқлайди Жалилий,
Бу қасидам садоқатим далили,
Дунёвий зўр давлат бўларсан ҳали,
Сенга туҳфа бу ашъорим Давлатим.

ҚИЙИН

Ҳасадгўй одамга қийин, ичи тўла ғамга қийин,
Юрагига қурим тўлиб кетган ул «ошнам»га қийин.

Ютугингдан азоб чекар, сенга қабр қазиб чиқар,
Ўз этини ғажиб чиқар, борлиги мотамга қийин.

Борлигингни кўролмайди, бир бурда нон беролмайди,
Еталаб ҳам юролмайди, феъли бад мубҳамга қийин.

Ўзгаларни ғиво қилар, ҳар жойда у ғавғо қилар,
Имонини савдо қилар, ул чала мулламга қийин.

Эй Жалилий, тонгин шу дам, ҳавас дорисидан малҳам,
Тузаттил бу беморни ҳам, аммо шу малҳамга қийин.

АЗАЛ

Бандасини ўз нафсига банди қилиб қўймиш азал,
Ҳар бир тилак орзусига банди қилиб қўймиш азал.

Қўйса ким дунёга кўнгил, бўлса унинг тумори пул,
Ул зотни айлаб пулга қул, банди қилиб қўймиш азал.

Кимки амал истаб амал қалъасини қилса қамал,
Амал бериб унга тугал, банди қилиб қўймиш азал.

Ким айшу ишрат излади, доим роҳатни кўзлади,
Бир дардга сўнг ул бўзлади, банди қилиб қўймиш азал.

Эй Жалилий, сен фақат зор, ҳақ жамолин истадинг ёр--
Зулфин айлаб, шул сабаб дор, банди қилиб қўймиш азал.

Абдулла ЖАЛИЛ

Инсон хотираси азиз

ЭЪЗОЗ

Илгарилари савдо ходимлари ҳақида ёзолмасдим.

Уларга нисбатан сал бошқача назар билан қаралар, андек истиҳола билан гапириларди. Бу ўша давр мафкурасининг онгимизга таъсири натижаси эди. Аслида ҳар биримиз ич-ичимиздан бу соҳа аҳлига яқинроқ бўлгимиз, дўст тутингимиз келарди.

Мустақиллик юрт камоли учун хизмат қилишга чоғланган барча соҳа кишилари қатори тужжорлар, тадбиркорлар, дўкондорлар, савдо ходимларини ҳам бир сафга қўйди, улар шаънини кўтарди. Зеро, дунёни ўзлари очган Буюк Ипак йўли орқали бир-бирига боғлаган улуғ аждодларимиз карвонларда фақат бойлигу-саруполаргина эмас, сандиқ-сандиқ бебаҳо китоблар, илм-фан, маърифат тарқатишган. Ушбу мўъжаз ёдномамиз қаҳрамони ҳам ана шундай фидойи, оқил, фозил, умрини савобли ишлар, хайрли амалларга бахшида қилган аҳли саводхонлардан эди. Гап азиз инсон Боситхон Эшонхонов ҳақида бормоқда.

Бугунги ўзбек савдо намоёндалари ичида бул зоти азизни танимайдиган йўқ десак асло муболаға бўлмас. Ҳа, каттадан-кичик марҳум биродарларимизни чин инсоний меҳр-муҳаббат билан суюшарди, ҳурмат қилишарди. Бу шунчаки у кишининг ёшлари ё салобатлари учун, борингки лавозимлари туфайли эмасдир. Қолаверса, Боситхон ака лавозимларига оппа-осон, кимнингдир кўмагида эришмаганди. Соҳанинг энг қуйи пиллапояларидан иш бошлаб, илм ва меҳнат, покизалик ва одамийлиги билан эътибор топганди. У суғурта идораларида ишлаганда ҳам, савдо дўконларини бошқарганда ҳам, айниқса шаҳар бозорлари бошқармасига мутасаддилик қилганда ҳам, вазирликда бўлим бошлиги бўлганда ҳам, енгил саноат савдо ҳиссадорлик жамияти корхонасига раҳбарлик қилганда ҳам бир нарсани яхши англаб яшади. Халқ унга ва касбдошларига ҳамиша айрича эътибор қилиши, бировнинг ҳаққига хиёнат энг оғир жиноят эканлигини доим ёдда тутар, шогирдларига шуни уқтирарди.

Мана шунинг учун у кишини маҳалла-кўй, эл-юрт, аҳли жамоаю касбдошлари, юқорида айтганимиздек, чин инсоний меҳр-муҳаббат билан ҳурмат қилишарди.

Шу ерда тўхтанг энди, биродар, айтинг, ҳар эслаганда энтикиб у кишидай бўлишни ният қилгувчи шогирдларининг дуолари, ёрбиродарларининг эҳтиромлари — шунчалик эъзоз бир инсон учун етарли эмасми?

Сизга ҳам шундай эъзоз насиб қилсин, биродарларимизнинг эса охирати обод бўлсин.

С. АЛИМОВ

Спорт

ДОВРУҒИ ДОСТОНЛАР

Спорт ҳам Ватан довруғини ошириш, юрти нуфузини жаҳон ҳамжамиятида сарбаланд қилишнинг муҳим омилларидан саналади. Шу кунларда дунё томи деб юритилуви Ҳимолай тизма тоғларининг энг юксак чўққиси Эверестни забт этиш билан боғлиқ зафарли юриш ҳақидаги хушхабар дунёга тарқалган. 8848 метрли чўққини биринчи бўлиб забт этган ўзбек ўғлони Рустам Ражабовнинг номи тилларда достон бўлиб кетди. Ўз ғалабаларини мустақилликнинг 7 йиллигига бағишлаган йигитларимиз ажойиб ютуқ билан юртдошларини мамнун этдилар.

Забткорликка бел боғлаган 12 давлатнинг қарийб 15 гуруҳдан иборат альпинистлари орасида юртдошларимизнинг биринчи бўлиб мақсадга эришгани, нур устига аъло нур бўлди. Забткорларимиз орасида Ханиф Волмогаметов, Роман Мальц, Олег Грегорьев, Светлана Баскакова, Ильёс Тухватулин, Андрей Зайкин, Алексей Докукин ва бошқалар бор эди.

Бу юксак чўққини кимлар орзу қилмаган. Зеро, ҳар кимга ҳам мурод ҳосил бўлмаган. Шунга ўхшаш 8460 метр баландликда АҚШ фуқароси Френьсис Стефанонисни кутилмаганда беҳуш ётгани каби ҳолатлар юз берармиди. Ҳайтовур спортчимиз Андрей Федоров унга ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилди. 200 метр пастга олиб тушди. Аммо, хонимни сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Қизиғи шундаки, унинг турмуш ўртоғи Сергей Арсеньтев ҳам бедарак бўлиб турибди. Ҳарқалай, нияти холисларни Оллоҳ ўзи қўлласин. Йигитларимиз билан эсон-омон дийдор кўришгаймиз.

ЯНА ЮЛДУЗ ЧАҚНАДИ

Ўзбек йигитларини зарби зўрлар десак муболаға бўлмас. Ўғлонларимиз спортнинг бокс турига шундай ошуфта бўлиб бормоқдаларки, уларнинг номларини хорижий мухлислар ҳам яхши биладилар. Айниқса, боксни ўзига касб деб билган йигитларимизга маъқул келиб қолди чоғи. Номлари достон бўлган Артур Григорян, Фурқат Турсунов, Наримон Отаев, Дилшод Ёрбеков, Карим Тўлаганов каби етакчи боксчиларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Куни кеча яна бир юлдуз чақнади. Франция пойтахтида профессионал боксчилар ўртасида ўтказилган жангда ўзбекистонлик чармқўлқоп устаси Қувончбек Тўйғанбоев 4 раундли жангда кўргазмали чиқиш қилди. Унинг француз Ансола билан баҳси мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Боиси, бу хабаш йигитнинг вазни боксчимиздан 3 кг.га ортиқ эди. Шунинг учунми баҳс бошида Қувончбек нокдаун ҳолатига тушди. Лекин, у ўзини ўнглаб кучли зарбалар билан ғалаба қозонди. Энди боксчимиз Кан шаҳрида 2 ойдан кейин ўтказиладиган 6 раундли мусобақада қатнашиш имкониятига эга бўлди. Қувончбек зафарли юришларни давом эттириб, 20 та баҳсда иштирок эта олса жаҳон чемпионатида қатнашишга талабгорлик қилиши мумкин бўлади.

«ҒАЗАЛКЕНТ ОЙНА» ОТҲЖ
3-4 мм қалинликдаги
400x500 ммдан 1100x1600 ммгача
ўлчамдаги
дераза ойналарини
бозордан арзон нархда
ҳеч қандай чекловсиз
сотади
Алоқа телефонлари:
28-234, 28-451, 21-735
Манзилгоҳ: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани Искандар поселкаси, Фурқат кўчаси.

ЯШИЛЛИКДАН КЎЗ ЯШНАР



ЎЗ ЁҒОЧИМИЗ БЎЛАРДИ

Ўзбекистонда юксак тоғлар кўп. Унинг хушҳаво худудлари -- ёнғоқзор-у, булоқлари, умуман, ўзига хос таровати бор. Бағрида эса шифобахш гиёҳлар, жониворлар, товланувчи тошлар, маъданлар... Хўш, шулардан оқилона фойдалана оляпмизми?

Китоб туманининг Қорабулоқ қишлоғида катта булоқ оқарди. Балиқлар ҳам сероб эди, унда. Ҳозир камайиб кетган. Бу булоқ тўртта қишлоқ оралаб, Қашқадарёга қуйилади. Унинг икки томони теракзор ва толзорлардан иборат эди. Ҳозир бу дарахтларнинг ўндан бири ҳам қолмаган. Булоқ сувининг камаяётгани сезиляпти. Агар булоқ атрофига кесиш ўрнига ҳар йили ўн тупдан дарахт кўчатлари ўтқазилганда, бугунга келиб ҳаммаёқ яшилликка бурканарди.

Дарахтлар ҳақида гап кетар экан, улар манзара, соф ҳаво ва қурилиш ашёсидир. Ҳозир ёғоч-тахта фалон пул. Токайгача Россия ёғочларига эҳтиёж сезамиз. Ўзимизда имкониятлар мавжуд эмасми? Нима эксанг кўкаради-ку. Теракзорларни вужудга келтиришга зўр берайлик, саҳроларга саксовул қадайлик. Олимларимиз таъкидлашича, қурилишбоп ёғоч ашёлари билан ўз эҳтиёжимизни тўла қондириш мумкин экан. Шунингдек, қоғоз ишлаб чиқаришда ҳам ўз ўрмонларимиздан фойдаланса бўларкан.

Бебаҳо бойлигимиз

ОЛИМЛАР НИМА ДЕЙДИ

Профессор Н.И.Трайтакнинг таъкидлашича, ёз чилласида дарахтсиз кўчадаги асфальт харорати 65, ҳавоси эса 50 даража бўлса, дарахтли жойларда эса асфальт 32, ҳаво 24 даража атрофида бўларкан. Дарахт барглари фақат хароратга эмас, балки ҳаво таркибига ҳам ижобий таъсир кўрсатаркан. 1м³ ҳавода 500-1000 донагача микроб бўлиши мумкин. Бундай ҳаво нисбатан тоза ҳисобланади. Аксарият, ўрмон дарахтлари учувчан моддалар ажратади. Бу моддалар дармондори тарзида ҳаво билан сўрилади. Ўрмон ҳавосининг тоза, мўътадиллиги ҳам шундан. Ҳавонинг тозаланиши эса ўсимликлардан чиқувчи фитонцидлар таъсирида микробларнинг қирилиши билан боғлиқдир. Фитонцидлар микробларга қирон келтирибгина қолмай, ҳашаротларга ҳам зарар етказади.

СОФ ҲАВО МАНБАИ

Ҳисобларга кўра, бир гектар ердаги дарахт барглари 2 кг. корбонат ангидридни покларкан. Масалан, ўрмондаги ҳавода 200-300 бактерия бўлса, шаҳардаги шу ҳолатда 45000-50000 миқдорни ташкил этади. Шу боис, хоналарда турли ўсимликлар, гуллар сақлаш, ҳовли, кўча ва хиёбонларда ҳар хил ўсимликлар экиш хосиятлидир.

Дарахтлар... Улар қимматбаҳо хомашё бўлибгина қолмай, ҳаёт учун зарур бўлган кислород манбаидир. Айниқса, тоғ арчаларининг хосияти беназир. Нақл қилишларича, табобатда арчадан яра-чақани тузатадиган малҳам тайёрланаркан. Ундан олинган сақич эса, оғиздаги нохуш ҳидни йўқотаркан. Арча дарахти ажратиб чиқарган хушбўй ҳаводаги заҳарли микробларни ҳам йўқотаркан.

ГИЁҲЛАРДА ҲИКМАТ КЎП

Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсадиган ва ўстириладиган ўсимликларнинг сони қарийб 4148 га етади. Шулардан 577 тури шифобахш ўсимликлардир. Умуман олганда, илмий тиббиётда ишлатиладиган дориворларнинг 45 фоизи ўсимликлардан олинади. Хусусан, Абу Али ибн Сино, Абу Бакр ар-Розий, Беруний каби мутафаккирларимиз беморларни халқ табобати усулида ўсимликлар билан даволаганлар. Ҳозир ҳам халқимизда шифобахш ўсимликларга қизиқиш катта.

Зеро, барча тоғли ҳудудларда шифобахш ўсимликлар мададга муҳтож. Камайиб бораётган, «Қизил китоб»дан ўрин олган ноёб ўсимликларга эътибор керак. Бу оламшумул муаммодир. ЮНЕСКО ёрдамида тузилган табиат ва табиий ресурсларни муҳофоза қилиш халқаро ҳамжамияти ташаббуси билан йўқолиб кетиш арафасида турган ҳайвон ва ўсимликларни сақлаб қолиш мақсадида 1969 йилда «Қизил китоб» ва «Яшил китоб» ташкил қилинганлиги бежиз эмас.

Табиатга қанчалик ғамхўрлик қилсак, у ҳам биздан ўз саҳоватини аямайди. Табиат барчага баравар хизмат қилади.

АЗАМАТ